



2018 йил «19» сентябр

№ 2452-Қ

Пайариқ т, р. Пайарик

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 21 июлдаги 485-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3849-сонли қарори ҳақида”ги қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3849-сонли қарори, бу борада Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 21 июлдаги 485-Қ-сонли қарорлари ижросини ҳамда туман иқтисодиёт тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини ҳамда уй-жой фондини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 21 июлдаги 485-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3849-сонли қарори ҳақида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс тадбирлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Комплекс чора-тадбирларда:

туман иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини барқарор ишлашга тайёрлаш;

ёкилги-энергетика комплексининг барқарор фаолият кўрсатиши;

кўп квартирали турар жой фонди инфратузилмасини барқарор ишлашга тайёрлаш, аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш;

ижтимоий соҳа объектларини куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилсин:

б) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

в) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

г) ижтимоий соҳа объектларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

д) кўп квартирали турар жой фондини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

е) 2018/2019 йиллар куз-киш даврига кўмир маҳсулотлари ҳамда ва техник туз тайёрлаш, шунингдек, суюлтирилган газни худудлар бўйича етказиб бериш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

ж) туман иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси (кейинги ўринларда вилоят комиссияси деб аталади) таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туман комиссияси:

а) бир ой муддатда коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича жойларда ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

б) ўрганиш натижалари бўйича:

бошқарма, қорхона ва ташкилотлар бўйича – вилоят ҳокимининг ўринбосарларига тегишли комплекслар томонидан:

туманнинг ҳар бир худуди, тумани (шаҳри) бўйича қорхона ва ташкилотлар билан келишган ҳолда туман ҳокимлиги томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг муфассал



тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, туман иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари (Ш.Тошпулатов) иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комиссияни ташкил этсин.

4. Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун туман ҳокимлиги ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига шахсий масъулият юклансин.

5. Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ш.Тошпулатов:

туманда ижтимоий соҳа объектларини, кўп квартирали уйларни бўлажак куз-киш даврига тайёрлашни, автомобиль йўллари, кўчалар ва умумий фойдаланиладиган жойлар, лифт ускуналари, марказлаштирилган ва маҳаллий қозонхоналар, несиклик, сув қувури ва канализация тармоқлари, маҳаллалар ҳудудларининг санитария ҳолати талабларига мувофиқ тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари тамлинини жойларга чиқиб шахсан ўзи назорат қилсин;

Назорат натижалари бўйича объектларни 2018/2019 йиллар куз-киш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

Пайарик электр тармоқлари корхонаси (Н.Галабоев) Челак электр тармоқлари корхонаси (О.Хошимов), 5-сонли туманлараро участкаси Пайарик ҳудуди (И.Қодиров), 5-сонли туманлараро участкаси Челак ҳудуди (С.Акбутаев), “Темирйўл ёнида таъмин” БҒОХ (Ф.Хусаннов) раҳбарлари билан биргаликда 2018/2019 йиллар куз-киш даврида ёқилги-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформаторларни таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашга боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун жойнинг ўзига чиқиб аҳоли билан шахсан учрашувлар ўтказсин.

6. Пайарик электр тармоқлари корхонаси (Н.Галабоев) Челак электр тармоқлари корхонаси (О.Хошимов), 5-сонли туманлараро участкаси Пайарик ҳудуди (И.Қодиров), 5-сонли туманлараро участкаси Челак ҳудуди

(С.Акбутаев), “Темирйўл ёшилгитаъмин” БҲОХ (Ф.Хусаннов) раҳбарлари асосий ёқилги-энергетика ресурслари ва кўмир маҳсулотлари барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши бўйича тadbирлар сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эkanликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари И.Қўшмуродов ижтимоий соҳа объектларини 2018/2019 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини жойларнинг ўзига чиқиб ташкил этсин.

8. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Сулаймонов, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими (Б.Ғайбуллаев), билан биргаликда 2018 йил 1 августгача бўлган муддатда:

2017/2018 йиллар куз-киш даврида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини жорий йилда гамлашда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида туман бўйича аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб 2018/2019 йиллар киш-баҳор даври учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини гамлаш хажмларини белгиласин, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, қарам, туруч ва дуккакли экинлар маҳсулотларини гамлашга алоҳида эътибор берсин;

гамланиши керак бўлган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ва гамлашнинг тўлиқлиги ҳамда маҳсулотларининг зарур тарзда сақланиши учун масъул шахсларни белгилаш бўйича ўрнатилган тартибда аниқ тақлифлар киритсин.

9. Туман ҳокимлиги молия бўлими (К.Худайкулов) туман комиссиясининг ҳулосасига кўра зарурат кескин бўлган ҳудудларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-киш даврига тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўз вақтида молиялаштириш учун кўшимча захираларни қидириб топсин.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (К.Избосаров) жойларга чиққан ҳолда кўп хонадонли уйлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини куз-киш даврида барқарор фаолият юритишига тайёрлигини, марказлаштирилган ва жойлардаги маҳаллий иситиш қозонхоналари, иссиқлик, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, маҳалла ҳудудларининг санитария ҳолати тартибга келтирилганлигини шахсан назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига ахборот киритиб бoрсин.

11. Туман комиссияси аъзолари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни

таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида тизимли ахборот берилишини таъминласин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши ҳар чоракда туман ҳокимлигининг мажлисларида танқидий кўриб чиқилсин.

12. Туман ҳокимининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги ИҚ-3079-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 июлдаги 1592-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (Н.Сулаймонов, И.Қўшмуродов, Ш.Тошпулатов) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Жўраев